

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕРДИЕВА ШАХНОЗА НАБИЖОНОВНА**

**ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТДА НОН-ФИКШННИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**  
**(РУС, ЎЗБЕК ВА БЕЛАРУС НАСРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06. – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик**  
**ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on philological  
Sciences**

**Бердиева Шахноза Набижонова**

Замонавий адабиётда нон-фикшнинг ўзига хослиги (рус, ўзбек ва  
беларус насри мисолида)..... 3

**Бердиева Шахноза Набижонова**

Специфика нон-фикшн в современной литературе (на примере  
русской, узбекской и белорусской прозы) ..... 26

**Berdieva Shakhnoza Nabijonovna**

Specifics of non-fiction in modern literature (on the example of Russian,  
Uzbek and Byelorussian prose)

.....48

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 52

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕРДИЕВА ШАХНОЗА НАБИЖОНОВНА**

**ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТДА НОН-ФИКШННИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**  
**(РУС, ЎЗБЕК ВА БЕЛАРУС НАСРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06. – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик**  
**ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Fil424 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [nuu.md.uz](http://nuu.md.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Камилова Саодат Эргашевна**

филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Петрухина Наталья Михайловна**

филология фанлари доктори, профессор

**Пардаева Зулфия Жураевна**

филология фанлари доктори, профессор в.б.

**Етакчи ташкилот:**

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 йил соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, \_\_\_\_\_ 400 \_\_\_\_\_ уй.  
Тел: (99871) 246-08-62; (99871) 227-10-59; факс: (99871) 246-65-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz).  
Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филология факультети (1-қават, 106-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел: (99871) 246-08-62.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г. Шереметьева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Н.Э. Абдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**И.А. Сиддикова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиёти ривожининг умумий қонуниятларини ва муайян бир миллат ёки халқ адабиётининг миллий ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ҳозирги давр жаҳон қиёсий адабиётшунослигига оид изланишларнинг асосий вазифаларидан биридир. Бир вақтнинг ўзида ҳам замонавий адабиёт таракқиётининг умумий жиҳатларини, ҳам ўзи тегишли бўлган миллатларнинг маданиятларини ўзида намоён қилувчи рус, ўзбек ва беларус адабиётларида турли хилликка эга бўлган бадиий ижоднинг бир кўриниши сифатида нон-фикшн адабиётини таҳлилга тортиш жаҳон адабиётининг ривожига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Дунё замонавий гуманитар фанларида адабиёт ва журналистиканинг чорраҳасида яратилган замонавий асарларни ҳар томонлама адабий таҳлил қилиш мазкур фанларнинг устувор вазифалардан бири сифатида ўрганилмоқда. Танланган мавзунинг долзарблиги замонавий ўзбек, рус ва беларус насрида хужжатга асосланган адабиёт қурилишининг ўзига хослигини етарли даражада ўрганилмаганлиги билан белгиланади, бинобарин, айнан бадиий ижоднинг ушбу турини ўрганиш ва тадқиқ қилиш бадиий адабиётнинг хилма-хиллигини, ундаги тарихий ва маданий алоқаларни ҳамда умуман жаҳон адабиётининг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ англашга имкон беради.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда фан ва таълим соҳасида амалга оширилган бир қанча ислохотлар даврида бундай илмий изланишларнинг аҳамияти давлат сиёсати талабларига жавоб беради. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатида «... замонавий билим ва тажриба, миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида биз мустақил фикрлайдиган, энг яхши инсоний фазилатларга эга ёшларни тарбиялаймиз»<sup>1</sup>, дейилади. Бундан келиб чиқадики, жаҳон маданияти ва адабиётини ташкил этувчи бошқа мамлакатларнинг ҳамда Ўзбекистоннинг адабий жараёнларини уларнинг миллий ўзига хосликни шакллантириш жараёнидаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда объектив таҳлил қилиш танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизими 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сонли «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқисга олиб чиқиш чора-

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – <https://president.uz/ru/lists/view/4057>

тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Замонавий адабиётшуносликда маҳаллий ва хорижий олимларнинг қиёсий тадқиқотлари ичида шу соҳанинг турли жабҳаларига мос равишда миллий адабиётнинг ўзига хослигини ўрганадиган фундаментал тарихий-маданий ҳамда назарий-методологик ёндошувлар<sup>2</sup> мавжуд.

М.Бахтин<sup>3</sup>, Л.Гинзбург<sup>4</sup>, Д.Дюришин<sup>5</sup> ва бошқаларнинг умумий планда ҳамда қиёсий планда ёндашган ҳолда бадиий матнни таҳлил қилишнинг классик ва ноанъанавий усулларини аниқлашга бағишланган ишлари мазкур тадқиқотнинг илмий-назарий асосларини аниқлаш ва шакллантиришда илмий ҳамда методологик жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбек тадқиқотчиларининг қиёсий адабиётшунослик масалаларини ўрганишга бағишланган, хусусан, кўриб чиқиладиган давр адабиёти ривожланишининг умумий муаммолари ва тенденциялари таҳлил қилинган бир қанча диссертациялари<sup>6</sup> муҳим аҳамиятга эга.

Нон-фикшн тушунчасини назарий жиҳатдан асослаш биринчилардан бўлиб чет эллик тадқиқотчилар В.Лоунсбери<sup>7</sup>, Ч.Андерсон<sup>8</sup> томонидан амалга оширилди, улар мазкур турга мансуб асарни «ҳақиқий фактлар ҳақидаги китоб» деб таърифладилар.

---

<sup>2</sup> В.М. Жирмунский. Сравнительное литературоведение. – М.: Наука 1979; Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – М.: Прогресс, 1979; Дима А. Принципы сравнительного литературоведения. – М.: Прогресс, 1977; Минералов Ю.И. Сравнительное литературоведение. – М.: Высшая школа, 2010; Аминова В.Р. Теоретические основы сравнительного и сопоставительного литературоведения. – Казань, 2014; Ярхо Б. И. Методология точного литературоведения: Избранные труды по теории литературы. – Москва: Языки славянских культур, 2006; Цявель Сунь Развитие русского сравнительного литературоведения: идеи А. Н. Веселовского и В. М. Жирмунского // Нефилология, 2019. – №18. – URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-russkogo-sravnitel'nogo-literaturovedeniya-idei-a-n-veselovskogo-i-v-m-zhirmunskogo> (дата обращения: 18.08.2020);

<sup>3</sup> Бахтин М. Эстетика словесного творчества. – М., 1986.

<sup>4</sup> Гинзбург Л.Я. О документальной литературе и принципах построения характера // Вопросы литературы, 1970 – №7. – С. 62-91

<sup>5</sup> Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – М.: Прогресс, 1979.

<sup>6</sup> Шарафутдинова М. Особенности повествовательной структуры узбекского романа XX века в контексте мировой литературы – Автореф... докт. филол. наук. – Т., 2010; Камилова С.Э. Развитие поэтики жанра рассказа в русской и узбекской литературе конца XX – начала XXI века. – Автореф... докт. филол. наук. – Ташкент, 2016; Касимова З.А. Концепция мира человека в призме традиций национальной и мировой литературы. – Т., 2008; Хатамова Д.А. Адабиётшунослик терминларида идентификация ва муқобил муаммолари. – Авторефер... канд. филол. наук. – Т, 2010.

<sup>7</sup> Lounsberry V – The art of fact. Contemporary artist of non-fiction – N.Y.: Greenwood, 1990.

<sup>8</sup> Anderson Ch. Introduction: Literary nonfiction and composition // literary nonfiction: Theory, criticism, pedagogy. – Southern Illinois University Press, 1989.

Рус адабиётшунослигида бу ҳодисани Н.Б.Иванова фаол ўрганган ва нон-фикшнни «...это самая настоящая изящная словесность, но без вымысла»<sup>9</sup> деб таърифлаган. Э.Г.Местергези адабиётнинг бу турини «бадий-публицистик жанр» деб атади ҳамда рус бадий адабиёти соҳасида бу турдаги адабиётнинг ривожланишининг яхлит кўринишини ишлаб чиққан<sup>10</sup>. А.Е.Мачеева, Е.Г.Савельеванинг ишларида<sup>11</sup> ушбу турдаги матнларни ўрганиш билан боғлиқ назарий-маданий муаммолар мажмуаси таҳлилга тортилган.

Белорус адабиётшунослигида нон-фикшн адабиётини ўрганиш билан боғлиқ муаммолар Н.В.Сулова<sup>12</sup>, Г.Ю.Новик<sup>13</sup>, Е.А.Абрамова<sup>14</sup>, Н.А.Сивакова<sup>15</sup>, О.Н.Губская<sup>16</sup> ва бошқаларнинг асарларида акс эттирилган. Белоруссиялик олимлар нон-фикшн адабиётининг бадий ва эстетик қийматини айнан ҳужжатли келиб чиқиши устун бўлган асарларда кўришган.

Ўзбекистон адабиётшунослигида ушбу илмий муаммо алоҳида тадқиқот мавзуси бўлмаган, лекин шундай адабиётлар борки, уларда ушбу адабиёт турига қисқача тўхталиб ўтилган ёки бадий адабиёт билан журналистиканинг кесишган жойида пайдо бўлган асарлар ҳақида баён қилинган<sup>17</sup>.

И.А.Солженицин<sup>18</sup> ва С.Алексиевич<sup>19</sup> асарлари бўйича алоҳида тадқиқотлар мавжуд бўлса-да, рус, ўзбек ва беларус насрларидаги нон-фикшн адабиётининг ўзига хос хусусиятларини қиёсий жиҳатдан тадқиқ қилиш

<sup>9</sup> Иванова Н.Б. По ту сторону вымысла // Знамя, 2005. – №11. – С.3-8.

<sup>10</sup> Местергези Е.Г. Литература нон-фикшн/nov-fiction: Экспериментальная энциклопедия. Русская версия. – М.: Совпадение, 2007.

<sup>11</sup> Мачеева А.Е. К вопросу о духовной прозе как литературе нон-фикшн // Электронный научно-образовательный журнал ВГСПУ «Грани познания», 2015. – №3 (№37) – С.82-84; Савельева Е.Г. Между литературой и журналистикой: нон-фикшн в зарубежном и отечественном литературоведении // Вестник Череповецкого государственного университета, 2018. – №2 (83). – URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mezhdu-literaturoy-i-zhurnalistikoy-non-fikshn-v-zarubezhnom-i-otechestvennom-literaturovedenii> (дата обращения: 25.02.2021).

<sup>12</sup> Сулова Н.В. «Нон-фикшн и собственно документальная проза в литературном процессе России 2000-х – первой половины 2010-х годов // Известия Гомелевского государственного университета имени Ф.Скорины, 2015. – №1 (88). – С.130-135.

<sup>13</sup> Новик Г.Ю. Документальная проза (нон-фикшн) на мяжи XX-XXI стст.: тэарэтычнэ аспект // Часоп. Беларус-дзярж. ун-та. Філалогія, 2017. – №1. – С.17-23.

<sup>14</sup> Абрамова Е.А. Интердискурсивность прозы С. Алексиевич. – Современная журналистика: традиции, новаторство, контекст: материалы Респ. науч.-практ. конф. – Брест, 10-11 марта 2016. – С.3-6.

<sup>15</sup> Сивакова Н.А. Жанровые истоки документальной прозы С. Алексиевич // Вестник Брестского университета, 2016 – №2. – С.36-41.

<sup>16</sup> Губская О.Н. Факт и образ в военной прозе С. Алексиевич (на примере книги «У войны не женское лицо») // Вестник Полоцкого государственного университета. Серия А, Гуманитарные науки, 2020. – № 10. – С. 24-29.

<sup>17</sup> Камилова С.Э. Развитие поэтики жанра рассказа в русской и узбекской литературе конца XX – начала XXI века. – Автореф... докт. филол. наук. – Ташкент, 2016; Анвар Намозов, Давронбек Тожиалиев Зиёлилар: ким нима ўқияпти? <https://ziyouz.uz/eng-sara-asarlar/ziyolilar-kim-nima-uqiyapti/>

<sup>18</sup> Маркштейн Э. О повествовательной структуре «Архипелаг ГУЛАГ» А.И. Солженицына. – Воронеж, 1993; Нива Ж. Солженицын. – М., 1992; Чалмаев В. Александр Солженицын. Жизнь и творчество. – М., 1994; Шнейерсон М. А. И. Солженицын. Очерки творчества. – Франкфурт-на-Майне, 1984; Шумилин Д.А. Способы воплощения позиции автора в «Архипелаг ГУЛАГ» А.И. Солженицына. – Автореф... канд. филол. наук. – Москва, 2000; Алтынбаева Г. М. Литературная критика А.И. Солженицына: проблемы, жанры, стиль, образ автора. – Автореф... канд. филол. наук. – Саратов, 2007.

<sup>19</sup> Гурска К. Художественно-документальная проза С. Алексиевич (проблемы поэтики). – Автореф... канд. филол. наук. – Москва, 2019; Десюкевич О.И. Концептуальная публицистика Светланы Алексиевич: кристаллизация жанра // Медиалингвистика, 2017. – №2; Губская О. Н. Факт и образ в военной прозе С. Алексиевич (на примере книги «У войны не женское лицо») // Вестник Полоцкого государственного университета. Серия А. Гуманитарные науки, 2020. – № 10. – С. 24-29.

масаласи мавжуд бўлишига қарамай, ушбу масала ёзасидан кенг қамровли тарихий-бадий тадқиқот олиб борилмаган. Гарчи Н.Каримовнинг «Чўлпон» асари ҳақида бир қанча мақолалар<sup>20</sup> мавжуд бўлса-да, ушбу асар шу пайтгача илмий изланиш объекти бўлмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Миллий университети рус адабиётшунослиги кафедрасининг «Замонавий адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** рус, ўзбек ва беларус насридаги нон-фикшн адабиётининг турли кўринишлари асосида ҳужжатли келиб чиқиши устун бўлган замонавий адабиётнинг бадий ўзига хослигини муаллиф образи ва ҳужжатли тасвир тимсолида аниқлаш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

нон-фикшн адабиётининг назарий асосларини замонавий адабий жараённинг типологик намуналари контекстида очиб бериш ва нон-фикшн адабиётини ҳужжатли адабиётнинг алоҳида тури сифатида тавсифлаш;

ҳужжатли келиб чиқишга эга бўлган адабиётнинг рус, беларус ва ўзбек адабиётидаги ўзига хос бўлган нон-фикшн тури сифатида пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишидаги типологик ўхшашликларни / фарқларни аниқлаш;

замонавий бадий бўлмаган насрда муаллиф образининг типологиясини ўзига хос нон-фикшн адабиёти сифатида таҳлил қилиш ва ҳужжатли келиб чиқишга эга бўлган адабиётда муаллифнинг мавжуд бўлиши шаклларини очиб бериш;

замонавий нон-фикшн насрида, хусусан, бадий бўлмаган насрда ҳужжатли тасвирларнинг ўзига хослигини таҳлил қилиш.

**Тадқиқот объектини** XX аср охири – XXI аср бошларидаги рус, беларус ва ўзбек адабиётидаги нон-фикшн адабиётининг бир тури сифатида ҳужжатли келиб чиқиши устун бўлган энг машҳур асарлар – А.Солженициннинг «Архипелаг ГУЛАГ», С.Алексиевичнинг «У войны не женское лицо», Н.Каримовнинг «Чўлпон» асарлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** нон-фикшн адабиётининг бир тури сифатида ҳужжатли келиб чиқиши устун бўлган замонавий адабиётнинг асосий хусусиятларини акс эттирадиган муаллиф образи ва ҳужжатли тасвир ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Ушбу тадқиқотнинг методологияси қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик таҳлил усуллари мажмуи, шунингдек, герменевтика тамойиллари ва матнни бадий таҳлил қилиш усуллари билан белгиланади.

---

<sup>20</sup> Хамдам У. Адабиётни қисмат билган олим. – <https://uforum.uz/showthread.php?t=18935>; Бекташева Р.Г. Жадид адабиётшунослигида Бехбудий ижодининг ўрганилиши// Ученый XXI века, 2021. – №2(73) – С.42-44.



**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«нон-фикшн», «ҳужжатли келиб чиқиши устун бўлган адабиёт» тушунчалари бадиий адабиёт билан журналистиканинг бирлашувидан шаклланган бадиий ижодкорликнинг ўзига хос кўриниши, шунингдек, унинг бадиий тўқимага эмас, балки муаллифнинг «дунё ва одам» тушунчаси призмаси орқали ифодаланадиган ҳодисалар, воқеалар, қаҳрамонларнинг ҳужжатли аниқ тасвирланишига асосланган адабий тоифа эканлиги далилланган;

ҳужжатли келиб чиқиши устун бўлган бадиий насрнинг аниқлик, ишончлилиқ, далилланганлик, ҳақиқий персонажларнинг мавжудлиги, ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганиш, воқеа содир бўлган вақтдан узоқлашиш, муаллифнинг алоҳида аҳамиятли роли, бадиий воқелиқ сифатида «содда усулда ёзилган хатлар»нинг бадиий мазмунга сезиларсиз ҳолда сингдирилиши каби хусусиятлари исботланган;

Ўзбек, рус ва беларус адабиётида ҳужжатли келиб чиқиши устун бўлган адабиётнинг пайдо бўлиши, шаклланиши, фаолланиши ва гуллаб-яшнаши каби тарихий ва маданий даврийлиги ҳамда бугунги кунда у умумий актуаллашиш ва гуллаб-яшнаш босқичини бошидан кечираётганлиги асосланган;

муаллифлик тасвирининг бадиий асарда икки ва ундан ортиқ кўринишдаги образда берилишини ўзида акс эттирувчи рус, беларус ва ўзбек адабиётида ҳужжатли келиб чиқиши устун бўлган асарлардаги воқеалар иштирокчиси, гувоҳ, йилномачи-мемуарист, тадқиқотчи олим, муаллиф-публицист, муаллиф-суҳбатдош, тажрибали устоз каби муаллиф образининг типологияси далилланган;

А.Солженициннинг «Архипелаг ГУЛАГ», С.Алексиевичнинг «У войны не женское лицо», Н.Каримовнинг «Чўлпон» асарларидаги ҳужжатли тасвир ва муаллиф «мен»и вазифаларининг биридан иккинчисига кўчиш ҳолатлари ҳужжатли келиб чиқиши устун бўлган замонавий асарлардаги матнни яратишда етакчи тамойиллар эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Н. Каримовнинг илгари ўрганилмаган «Чўлпон» асари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган;

Ўзбекистон адабиётшунослигининг методологик базасига «нон-фикшн» адабиёт назарияси киритилган;

рус, беларус ва ўзбек адабиётидаги ҳужжатли принципи устун бўлган адабиёт эволюциясининг яхлит тасвири ишлаб чиқилган;

рус, беларус ва ўзбек адабиётидаги бадиий бўлмаган насрнинг ўхшашлиги ҳамда фарқли жиҳатлари аниқланган.

**Илмий тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг чоғиштира, тавсифлаш, таснифлаш, компонент таҳлил методи, этнолингвистик таҳлил, контекстуал ҳамда микдорий таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф

ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ушбу тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти адабиёт назарияси ва тарихи бўйича дарсликлар ва қўлланмалар ёзишда, «Қиёсий адабиётшунослик», «МДХ давлатлари адабиёти», «Ўзбек адабиёти дунё контекстида» фанларидан маъруза ва семинарлар ишлаб чиқиш учун материал сифатида қўллаш, шунингдек, тадқиқот хулосалари ва натижаларидан докторлик ва магистрлик диссертацияларини, битирув малакавий ишларни ёзишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан нон-фикшн адабиётига хос асарларни таҳлил қилишда, «Ўзбекистон нон-фикшн адабиёти» луғат таркибини тузишда, шунингдек, «Замонавий адабий жараён» фанидан ва 11-синфларда адабиёт дарсларида «Замонавий адабиёт» мавзусида амалий машғулотлар ўтказиш учун қўшимча материал сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Рус, беларус ва ўзбек нон-фикшн асарларининг таҳлили бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

«нон-фикшн», «хужжатли келиб чиқиши устун бўлган адабиёт» тушунчалари бадий адабиёт билан журналистиканинг бирлашувидан шаклланган бадий ижодкорликнинг ўзига хос кўриниши, шунингдек, унинг бадий тўқимага эмас, балки муаллифнинг «дунё ва одам» тушунчаси призмаси орқали ифодаланадиган ҳодисалар, воқеалар, қаҳрамонларнинг хужжатли аниқ тасвирланишига асосланган адабий тоифа эканлигига оид хулосаларидан Термиз давлат университетида фан дастурлари, ишчи дастурлар ва ўқув-услубий мажмуаларни шакллантириш, республика олий таълим муассасаларидаги адабиётшунослик, таржима назарияси ва амалиёти, Европа ва ўзбек таржимашунослиги илмий тараққиёти анъаналари ҳамда тарихи билан талаба ва тадқиқотчиларни таништиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 октябрдаги 89-03-4209-сон маълумотномаси). Натижада талаба ва тадқиқотчиларининг нон-фикшннинг замонавий адабиётшуносликдаги ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги билим ва кўникмаларини оширишга эришилган;

хужжатли келиб чиқиши устун бўлган бадий насрнинг аниқлик, ишончлилик, далилланганлик, ҳақиқий персонажларнинг мавжудлиги, хужжатларни ҳар томонлама ўрганиш, воқеа содир бўлган вақтдан узоклашиш, муаллифнинг алоҳида аҳамиятли роли, бадий воқелик сифатида «содда усулда ёзилган хатлар»нинг бадий мазмунга сезиларсиз ҳолда сингдирилиши каби хусусиятлари оид таклиф ва хулосалардан 2015-2020 йилларда бажарилган Ф-1-06 рақамли «Истиқлол даври ўзбек адабиёти Шарку Ғарб адабий анъаналари синтези» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26

октябрдаги 89-03-4209-сон маълумотномаси). Натижада, нон-фикшн адабиёти тахлилида таклиф қилинган қиёсий усул жаҳон адабий жараёни тараққиёти призмасида ўзбек адабиётини ўрганиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Ўзбек, рус ва беларус адабиётида хужжатли келиб чиқиши устун бўлган адабиётнинг пайдо бўлиши, шаклланиши, фаолланиши ва гуллаб-яшнаши каби тарихий ва маданий даврийлиги ҳамда бугунги кунда у умумий актуаллашиш ва гуллаб-яшнани босқичини бошидан кечираётганлиги, шунингдек, муаллифлик тасвирининг бадий асарда икки ва ундан ортиқ кўринишдаги образда берилишини ўзида акс эттирувчи рус, беларус ва ўзбек адабиётида хужжатли келиб чиқиши устун бўлган асарлардаги воқеалар иштирокчиси, гувоҳ, йилномачи-мемуарист, тадқиқотчи олим, муаллиф-публицист, муаллиф-суҳбатдош, тажрибали устоз каби муаллиф образининг типологияси борасидаги хулосалардан Сурхондарё вилояти рус маданият маркази томонидан ўтказилган «Знакомимся с новыми жанрами современной литературы» тадбирини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон рус маданий марказининг 2021 йил 27 февралдаги 02-28-сон маълумотномаси). Натижада, замонавий адабиётшунослиқда «нон-фикшн адабиёти», «хужжатли тасвир», «маърифий роман», «хужжатга асосланган асар», «овозлар романи», «бадий тадқиқотлар тажрибаси» тушунчалари асосланган;

А.Солженициннинг «Архипелаг ГУЛАГ», С.Алексиевичнинг «У войны не женское лицо», Н.Каримовнинг «Чўлпон» асарларидаги хужжатли тасвир ва муаллиф «мен»и вазифаларининг биридан иккинчисига кўчиш ҳолатлари хужжатли келиб чиқиши устун бўлган замонавий асарлардаги матнни яратишда етакчи тамойиллар эканлигига оид хулосалардан Сурхондарё вилояти «Ишонч» телеканалида 2019 йил 16 ноябрда эфирга узатилган «Роль науки в воспитании молодёжи» дастурини тайёрлашда фойдаланилган (Сурхондарё вилояти «Ишонч» телекарадиоканалининг 2021 йил 9 сентябрдаги 215-сон маълумотномаси). Натижада томошабинлар А.Солженицин, С.Алексиевич ва Н.Каримов асарларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлдилар, бу эса ўз навбатида томошабинларда эстетик дидни вужудга келиши ва ривожланишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари илмий маъруза кўринишда 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш эълон қилинган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шулардан 5 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, 149 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, амалий натижалари ва илмий янгилиги баён қилинган, тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**«Адабий жараённинг типологик қонуниятлари контекстида нон-фикшнинг назарий асослари»** номли диссертациянинг биринчи боби иккита параграфдан иборат бўлиб, унда «нон-фикш» терминининг хусусиятларига оид илмий адабиётларнинг назарий таҳлили келтирилган, шунингдек, адабий ҳодиса ва ижтимоий-маданий феномено сифатида нон-фикшнинг шаклланиши, мавжуд бўлиши, ички қонуниятлари ўрганилган.

Мазкур бобда қиёсий адабиётшунослик мақсади бўлган адабий жараён ўзаро боғлиқ бўлган миллий-адабий ва адабиётлараро алоқалар ҳамда конвергенциялар тизими орқали амалга ошганлиги сабабли жаҳон адабиётининг динамик эволюцион олдинга силжишини таъминлаши ёритилган, бу Г.Т.Гарипованинг фикрларида ҳам ўз аксини топган: «может конкретизироваться до установления типологической и генетической сущности литературного явления (произведения, концепта, вида литературы, направления и т.д.) в парадигматическом диапазоне от национальной до мировой литературы»<sup>21</sup>. Бу, ўз навбатида, нон-фикшнинг ўзига хослигини «умумий адабий факт, унинг ўзига хос тарихий шароитини ҳисобга олмаган ҳолда»<sup>22</sup> назарий жиҳатдан умумлаштиришга имкон берди.

«Нон-фикшн ҳужжатли адабиётнинг алоҳида тури сифатида: ўзига хослик, белгилар, жанрлар» номли биринчи фаслда «нон-фикш» термини ҳақидаги назарий тадқиқотлар умумлаштирилди ва унинг далилга асосланганлик, аниқлилик, тасвирланган материалга ишончлилик, ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганиш, ҳақиқий персонажлар, муаллиф «мен»ининг ўзига хослиги, ҳужжатли тасвирларнинг ўзига хослиги, бадий адабиётнинг сезилмас даражада сингдирилиши каби асосий хусусиятлари ўрганилди. Тадқиқот натижаси шуни кўрсатадики, бугунги кунда нон-фикш терминининг ўзига хос хусусиятлари борасида кўп фикрлар мавжуд. Терминни тушунтириш жараёнида, бизнинг фикримизча, умумий фикрлар кўзга ташланади.

<sup>21</sup> Гарипова Г.Т. Сравнительное литературоведение. – Т., 2005. – С. 12.

<sup>22</sup> Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. М.: Прогресс, 1979. – С. 61-62.

Адабиётшуносларнинг позициясига асосланиб, биз Э.Г.Местергазининг куйидаги фикрига кўшиламыз: «нон-фикшн – бадиий- публицистик жанр бўлиб, унинг асосий хусусиятлари воқеалар ва персонажларни муаллифнинг тасаввур ва эстетик идрок призмаси орқали аниқ реалистик ва ҳужжатли тасвирлашдир»<sup>23</sup>.

Мазкур фаслда нон-фикшн жанрлари таснифи берилган бўлиб, улар муайян даражаларга бўлинади. Э.Г.Местергази концепциясига кўра, ҳужжатли асосга эга бўлган жанрларнинг ишлаши бевосита бадиий сатҳ билан боғлиқ бўлиб, бу бизга бир қанча нон-фикшн асарларни бадиий жанр сифатида кўриб чиқиш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, бадиий адабиётнинг бир тури сифатида ҳужжатли келиб чиқишга эга нон-фикшн насри замонавий адабий жараённинг бир бўлаги бўлиб, у муаллифлик жанрлари билан актуализация қилинади. Юқоридагиларга асосланиб, ушбу фаслда адабиётшуносликка оид тадқиқотлар тажрибаси сифатида нон-фикшн овозлар романи ва маърифий роман каби муаллифлик жанрларига хос хусусиятларни касб этиши далилланган.

«Рус, беларус ва ўзбек насрларида ҳужжатга асосланган адабиётнинг типологик қурилишлари» номли иккинчи фаслда кўрилаётган ҳар бир адабиётда яратилган ҳужжатли асосга эга насрнинг изчил тизимли-қиёсий ёндашув асосида пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши жараёнининг шартли даврийлаштирилиши алоҳида-алоҳида ўрганилган. Маҳаллий адабиётлараро (миллий) умумийликлар призмасида нон-фикшннинг бир кўриниши сифатида ҳужжатли асосга эга наср генезиси эволюцияси таҳлили натижалари куйидаги жадвалда келтирилган:

№	Ривожланиш босқичининг хусусиятлари	Рус адабиёти	Беларус адабиёти	Ўзбек адабиёти
I босқич	ҳужжатли асосга эга бўлган адабиётнинг пайдо бўлиши	XII – XVIII асрлар	XVII асрлар	XIV - XVIII асрлар
II босқич	ҳужжатли асосга эга бўлган адабиётнинг шаклланиши	XIX аср	XIX аср	XIX аср
III босқич	ҳужжатли асосга эга бўлган адабиётнинг фаолланиши	XX аср	XX аср	XX аср
IV босқич	нон-фикшннинг гуллаб-яшнаши	XX охири - XXI аср бошлари	XX охири - XXI аср бошлари	XX охири - XXI аср бошлари

Бу жадвал нон-фикшннинг ўрганилган адабиётларда шаклланиши, фаолланиши ва гуллаб-яшнаши ўша даврда содир бўлганлигини аниқ намоён

<sup>23</sup> Местергеци Е.Г. Литература нон-фикшн/non-fiction: Экспериментальная энциклопедия. Русская версия. М.: Совпадение, 2007. – С. 46.

этиб турибди, бу эса ўз навбатида нафақат бу адабий ҳодиса эволюциясининг мантиғини, балки унинг социологик-тарихий ҳодиса сифатида мавжудлигини ҳам аниқлайди.

**«Нон-фикшн адабиётининг бир тури сифатида хужжатли асосга эга бўлган замонавий насрда муаллиф образининг типологияси»** деб номланган иккинчи боб уч фаслдан иборат бўлиб, унда замонавий бадиий адабиётга олиб кирилган нон-фикшн прозасининг муаллифлик жанрларида муаллиф образини яратишнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини очиб бериши тавсифланган.

Биринчи фасл «А.И.Солженициннинг «Архипелаг ГУЛАГ» асарида муаллиф иштироки шакллари» деб номланиб, унда А.И.Солженициннинг «Архипелаг ГУЛАГ» асарида муаллифнинг ифодаланиш йўллари ва шакллари тадқиқ этилган. Бу ҳикоячининг образи орқали сезиларли даражада аниқ ифодаланган. Шуни таъкидлаш керакки, асарнинг субъектли шакллантирилиши, бошқача қилиб айтганда, унда муаллифнинг ҳам биринчи шахс бирликда (воқеа иштирокчиси), ҳам биринчи шахс кўпликдаги воқеълантирилишининг мавжудлиги, шунингдек, воқеаларнинг гувоҳи ва таржимони ролида учинчи шахс сифатидаги иштироки ҳам бир вақтлар шўро империясининг ҳар бир фуқароси овозига мос равишда халқнинг умумий овозини яратишга имкон берган.

Муаллиф юзининг ўзгариши ҳолатни «ичкаридан» этказиш, шу билан бир қаторда архипелаг аҳолисининг психологияси ва совет «одамларни йўқ қилиш тизими»ни психологик жиҳатдан аниқ ва ишончли очиб беришга имкон беради.

Асарда муаллифнинг ўзига, яъни бевосита А.И.Солженицин хотираларига алоҳида ўрин ажратилган. Шуни таъкидлаш керакки, бу эрда муаллиф бир нечта ролларни бажаради – муаллиф (асар яратувчиси), йилномачи (хроникачи) ва автобиографик қаҳрамон сифатида кўринади.

Биринчи ҳолда, муаллифнинг онги бу китобнинг кириш қисмидаги каби қолган ҳамма қисмларида ёритилган. Кириш сўзда биз Солженициннинг ҳақиқий овозини эшитамиз, ҳикоянинг бу қисми китобнинг мақсади ва мазмунини очиб беради: «Свои одиннадцать лет, проведённые там, усвоив не как позор, не как проклятый сон, но почти полюбив тот уродливый мир, а теперь ещё, по счастливому обороту, став доверенным многих поздних рассказов и писем, – может быть, сумею донести что-нибудь...»<sup>24</sup>.

Ҳикоянинг бошланиши биринчи шахс кўплик баёни билан ифодаланган. Ҳикоянинг бу шакли муаллифга нафақат воқеада ўзини мавжудлигини ифодалашга, балки даҳшатли ГУЛАГ мамлакатининг аҳолисига ҳам ўз иштирокини кўрсатишга имкон беради: «Мы поняли потому, что из того единственного на земле могучего племени ээков...»<sup>25</sup>.

<sup>24</sup> Солженицын А. Архипелаг ГУЛАГ.Т. 1. М.: ИНКОМ – НВ, 1991. – С. 7.

<sup>25</sup> Ўша асар. – С. 6.

Кейинроқ «биз» тан олишнинг яширин белгиси билан «мен» га ўтади, сўнгра йилномачининг овози сезилади, у барча фикрларни бирлаштиради: «В этой книге нет ни вымышленных лиц, ни вымышленных событий. Люди и места названы их собственными именами»<sup>26</sup>. Бу каби бир шахсдан бошқа шахсга ўтиш усулини китобнинг барча қисмларида кўриш мумкин.

Мемуар ҳикояси субъектив шакллариининг ўзгариши ҳикоянинг икки планини яратишга имкон беради: ретроспектив ва параллел. Ретроспекция план Совет Иттифоқи тарихидаги воқеаларни муаллифнинг идрок призмасидан максимал даражада ишончлилиқ ва холислиқ билан тақдим этилишига имкон беради.

Ўзининг ҳибсга олиниши, тергов қилиниши, қамоқда ўтказган кунлари, суҳбатлар, ёхишмалар, лагер ҳаёти ҳақидаги хотиралар билан бирга бошқа маҳбусларнинг гувоҳлиқлари ва ҳикояларидан иборат совет ўтмишининг энг даҳшатли саҳифаларининг ягона тасвирини яратиш учун бошланғич нуқтага айланади. Шундай қилиб, муаллиф ўз тажрибасидан, шахсий тарихидан бошлаб, гувоҳларнинг сўзларига ўтади, яъни ўзига хосликдан умумлаштиришга ўтади.

Ҳикоянинг иккинчи плани – параллел, ёки Д.Шумилин терминологияси билан айтганда, «синхронная точка зрения»<sup>27</sup>. Бу ҳикоя плани муаллиф (асар яратувчиси) га тегишли бўлиб, у матнда автобиографик қаҳрамон вазифасини бажаради. Кўпинча, унинг матнда бўлиши монологли акс эттириш шаклида ёки қавс ичида сўзлар (матндага киритмалар) кўринишида ифодаланилади.

Шундай қилиб, иккита ҳикоя плани муаллифнинг хотираларини янада объектив ифодалашга имкон беради, яъни йилномачи-мемуаристнинг ниқоби ўзини қаҳрамондан узоқлаштиришга, ҳаракатларга ўтмиш эмас, балки ҳозирги нуқтаи назардан баҳо беришга ёрдам беради. Вақтинчалиқ масофа матнда алоҳида муносабатлар ўрнатади, бу эрда автобиографик қаҳрамон ҳам «онг субъекти», ҳам йилномачининг «онг объекти» дир.

Шунингдек, ушбу фаслда муаллиф «мен»ининг барча шакллари батафсил таҳлилга тортилган.

Иккинчи фасл «С.Алексиевичнинг «У войны не женское лицо» романидаги муаллифнинг медиум вазифаси» деб номланиб, унда С.Алексиевичнинг «У войны не женское лицо» романида муаллифнинг медиум вазифаси орқали ифодаланиши тадқиқ қилинган. Ёзувчи бу асарида фақат воқеаларнинг иштирокчилари оғзидан ёзиб олинган шахсий ҳикоялардан фойдаланади. У иложи борица очик фикрли бўлишга ҳаракат қилади. С.Алексиевич «ҳикоя қилиш» ҳуқуқини Улуғ Ватан уруши – ўз тақдири бўлганларга ўтказади ва бундай тақдирли аёлларнинг тажрибаси

<sup>26</sup> Солженицын А. Архипелаг ГУЛАГ.Т. 1. М.: ИНКОМ – НВ, 1991. – С. 8

<sup>27</sup> Шумилин Д.А. Способы воплощения позиции автора в «Архипелаг ГУЛАГ» А.И.Солженицына. – Автореф...канд. филол. наук. – Москва, 2000. – С. 7.

эйтибор марказига олинган. Бу ерда «аёл нигоҳи» нафақат ижтимоий кадрийатлар ўлчови, балки инсон табиатини англаш усулига айланади.

Ушбу фаслда муаллиф образи композиция даражасида очиқ намоён бўладиган қисмларнинг жойлашуви батафсил муҳокама қилинади. Хусусан, эпиграф муаллиф ва тарихчи ўртасидаги суҳбат кўринишида берилган бўлиб, унда аёлларнинг жаҳон урушларида қатнашиш тарихи ҳақида қисқача маълумот берилган ва қуйидаги сўзлар билан тугаган: «Женские слова родились там, на войне»<sup>28</sup>.

Асарнинг тўрт қисмдан иборат экспозицияли муқаддимаси муаллифнинг С.Алексиевичнинг асар мавзусига мурожаатидан олдинги тарихини ёритади. Асарнинг «Человек больше войны» номли биринчи қисми тан олиш характеридаги ўн учта сегментдан иборат бўлиб, муаллифнинг кундалик ёзувларидан ташкил топган, ушбу қисм мазмунида унинг объектив томонини ташкил этувчи ҳикоя объектига мурожаат қилиш сабаблари тасвирланган. Биринчи қисмнинг ҳар бир қисми муаллифнинг асарда ёритилган муаммоларга бўлган муносабатини, муаллифнинг Иккинчи Жаҳон уруши давридаги аёлларнинг аҳволи ҳақидаги фикрларини ифодалайди: «Мне интересно не само событие, а событие чувств. Скажем так – душа события. Для меня чувства – реальность. А история? Она – на улице... В толпе... Я верю, что в каждом из нас – кусочек истории. У одного – полстранички, у другого две – три. Мы вместе пишем книгу времени. Каждый кричит свою правду. И надо это всё расслышать, и раствориться во всём этом, и стать этим всем. И в то же время быть собой. Не исчезнуть»<sup>29</sup>. Бу парчадан кўришиб турибдики, муаллиф ҳикоянинг асосий образидан «биз» га ўтиб, ўзини бутун авлоднинг овози сифатида кўрсатиб, елкаси ортида ўтган оғир йиллардаги оғир тажрибани бошидан кечирганлигини тасвирлаган.

Асарнинг иккинчи қисми «Через семнадцать лет» деб номланиб, унда 2002-2004 йилларга тегишли воқеалар ёритилган. Бу ерда муаллиф образи «биз» дан «мен» га ўтади ва муаллиф замонавий ўқувчига айланади. 1990 ва 2002 йиллар даврлари тафсилотлари бир-бирини тўлдирувчи учта сегментни камраб олади: «новые тысячелетия, новые войны, новые идеи, новое оружие»<sup>30</sup>; «началась горбачёвская перестройка»; «Люди стали свободнее и откровеннее»<sup>31</sup>. Ўтган йиллар воқеаларига нисбатан ретроспектив нуқтаи назар муаллифнинг бошқача координаталарининг тизимида келтирилган. Бу ерда энди биринчи қисмда мавжуд бўлган психологик бошланиш йўқ, бу ерда муаллиф ўз вазифаларини сарҳисоб қилиб, файласуф-йилномачи ролини ўйнайди: «Всё может стать литературой... Моя самоцензура, мой собственный запрет... Мой путь»<sup>32</sup>. Бундан ташқари, муаллиф-файласуф урушда бўлган

<sup>28</sup> Алексиевич С. У войны не женское лицо. – М.: Независимое издательство «Пик», 2009. – С. 7.

<sup>29</sup> Ўша асар. – С. 14.

<sup>30</sup> Ўша асар. – С. 14.

<sup>31</sup> Ўша асар. – С. 19.

<sup>32</sup> Ўша асар. – С. 20-21.



одамнинг руҳини, қалб кечинмаларини, психологиясини аниқ ва холис билишга ҳаракат қилади. Мазкур қисмдаги фикрлаш шакли ҳикоя учун ҳиссий кайфиятни белгилашга имкон берган ҳамда муаллифнинг иқдорларга асосланган фалсафий фикрлари қаҳрамонларининг иқдорларини ифодалашга хизмат қилган: «...Меня потрясло, как спокойно она об этом рассказала <...> Я по-прежнему их люблю. Не люблю их время, а их люблю»<sup>33</sup>.

Учинчи ва тўртинчи қисмларнинг сарлавҳаси «Из того, что выбросила цензура» ва «Из того, что я выбросила сама» бўлиб, уларда тўғридан-тўғри муаллифнинг мулоҳазаларини очиб беради, гарчи мазмунининг ўзи ёзувлардан парчалар. Бу услуб муаллиф концепциясини кучайтиришга имкон беради: «...У нашей победы два лица – одно прекрасное, а другое страшное. Невыносимо смотреть. У меня была своя война...»<sup>34</sup>.

Шу тарика экспозицион муқаддима ёрдамид муаллифнинг турли хил «юзлари» очилади: авлод овози, файласуф-йилномачи, муаллиф-публицист.

Сюжет нуқтаи назаридан шуни таъкидлаш керакки, асарда битта умумий ҳикоя чизиғи йўқ. Аниқроқ айтганда, китобнинг сюжети – бу алоҳида эпизодлар, сахналар, мотивлар, тафсилотлар ва парчалардан тўқилган уруш. Воқеликни кенг миқёсда идрок этиш, таҳлил қилиш, сабаб-оқибатлар орасидаги муносабатларга асосланган ҳаракат – буларнинг барчасини муаллифнинг «мен» ининг мураккаб тузилган тизими туфайли асарда тўлиқ ифодаланишига шароит яратилган. Хусусан, кейинги ўн олтита қисм битта тамойил асосида қурилган – лирик чекиниш, хотира ёзуви, гувоҳнинг исми ва фамилияси мажбурий кўрсатиб берилган биринчи шахс гувоҳнинг ҳикояси, ҳикоялар орасидаги боғлиқликлар ва фалсафий-центиментал характерга эга хулоса.

Мазкур фаслда ифодалаш воситаси функциясининг турига мувофиқ муаллиф образининг адабий таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, асарнинг ҳар бир бобида муаллиф образига тегишли мафкуравий-мазмуний юкни кўтарадиган маълум фазилатлари ёритиб берилганлиги далилланган.

Учинчи фасл «Н. Каримовнинг «Чўлпон» маърифий романидаги муаллифнинг «мен» и» деб номланиб, мазкур фасл Н. Каримовнинг «Чўлпон» асаридаги муаллиф образини таҳлил қилишга бағишланган. Қайд этилишича, С. Алексиевичнинг «У войны не женское лицо» асарида муаллиф тинглайди ҳамда ҳикоя-иқдорларни ёзади, лекин Н.Каримов асарда ўз муаллифлик дунёқараши орқали ўз хотираларини, воқеларини, эпизодларни ҳикоя қилади. Унинг муаллифлик нуқтаи назари доимо вақт координаталарининг иккита тизимида – замонавийлик ва XX асрнинг биринчи ярмида мувозанатлашади ҳамда шу билан ўқувчига фабулавий (бадий асарда тасвирланган воқеалар занжири) ҳикоядан асосий моҳиятни англаш жараёнига ўтиш имкониятини беради.

<sup>33</sup> Алексиевич С. У войны не женское лицо. – М.: Независимое издательство «Пик», 2009. – С. 20.

<sup>34</sup> Ўша асар. – С. 29.

«Архипелаг ГУЛАГ» даги А.Солженицин ва «У войны не женское лицо» даги С.Алексиевич сингари «Чўлпан» да Н.Каримовнинг «мен» и ҳикоя килишининг ўзига хослигига мос равишда тадқиқотчи олим, муаллиф-публицист, муаллиф-суҳбатдош, тажрибали устоз каби бир нечта кўринишда ифодаланган. Хусусан, тадқиқотчи олим образи матнда архив материаллари, тергов ҳужжатлари, ҳақиқий воқеалар ва замондошларининг ёзувларини кўрсатиш орқали юзага чиқади. Масалан, асардаги ҳужжатли фактография «Халқ сўзи» («Народное слово»), «Андижон», «Садои Туркистон» («Голос Туркестана»), «Ватан» («Родина»), «Ўзбек адабиёти ва санъати» («Узбекская литература и искусство») газеталаридан; XX аср бошларидаги «Юрт» («Страна»), «Искусство и жизнь» журналларидан; З.Валидийнинг «Хотиралар» («Воспоминания») мемуар китобидан; Азиз Ниалло (Г.Станишевский) нинг «Қирғизистон ва Ўрта Осиёда инқилоб гражданлар уруши тарихи очерклари» («Очерки по истории войны гражданской революционной войны Средней Азии и в Кыргызстане») очерклар китобидан; унинг ёзувчи ҳамкасблари бўлган Завқий ва Тўлқийнинг мақолаларидан олинган парчалар ёрдамида яратилган.

Шунингдек, матнда Чўлпоннинг ёзишмалари, мақолалари ва шахсий ҳужжатлари ҳам очиқ берилган. Ушбу материалларга асосланиб, тадқиқотчи олим уларга нафақат «мустақил овоз бериш ҳуқуқини»<sup>35</sup> беради, балки уларни умумлаштиради, изоҳлайди ва «ҳақиқий тарих» чизигини яратади.

Таъкидлаш жоизки, муаллиф образини яратиш схемаси муаллифлик ниқобларини алмаштириш принципига асосланмаган (хусусан, бу А.И.Солженицинга хос), балки бир ҳолатдан иккинчисига равон ўтиш орқали амалга оширилган.

Масалан, равонлик муаллифнинг «мен» типига – биографик муаллифга, яъни асар яратувчисига, сезиларли даражада яқин бўлган муаллиф-суҳбатдошга хос хусусият сифатида намоён бўлган. Бу ерда, қоида тариқасида, тушунтириш характерига эга бўлган киритма конструкциялар, қавслар орасидаги узилишлар, қўшимча кичик эпизодлар тез-тез ишлатилади. Масалан, («Обратите внимание, не среди земляков, а среди представителей своей расы – Н.К.»<sup>36</sup>; («... дошедший до нас единственный сборник»)<sup>37</sup>; («... здесь речь идёт об организации «Национальное объединение»»)<sup>38</sup>. Шунинг таъкидлаш керакки, асарда қавслар орасидаги узилишларни берилиши Н.Каримовга хос усул бўлиб, бу ҳам биографик муаллифни кўрсатиб беради.

<sup>35</sup> Местергежи Е.Г. Литература нон-фикшн/non-fiction: Экспериментальная энциклопедия. Русская версия. – М.: Совпадение, 2007. – С. 41.

<sup>36</sup> Каримов Наим. Чулпон: Маърифий роман. – Т.: «Шарк», 2003. – С.64.

<sup>37</sup> Ўша асар. – С.83

<sup>38</sup> Ўша асар. – С. 83.

Ушбу параграфда муаллифнинг «эпох-одам-ижодий шахс» концепциясини акс эттирувчи энг мураккаб ва хилма-хил стратегиялар орқали амалга ошириладиган «мен» ининг турлари батафсил таҳлил қилинади.

Учинчи боб «**Нон-фикшн насрида ҳужжатли тасвир**» деб номланиб, у замонавий ҳаёлий ўйлаб топилмаган насрда ҳужжатли тасвирнинг ўзига хослигини ўрганишга бағишланган. Мазкур бобда ушбу тушунчанинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратилади – ҳужжатли тасвир тушунчаси асосида ҳақиқатни бадий акс эттирувчи ва эстетик қийматга эга бўлган ҳужжатли тасвирларни яратиш ётади, шунингдек, ҳужжатли тасвирнинг ўзига хослиги мета-бадийлик, бадий ҳақиқат, ўқувчининг алоҳида идроки (ўқувчининг кутгани) ва муаллифнинг ўзига хос тасаввурида кўринади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бадий матнда барча образларни яратиш жараёнида иштирок этадиган ҳаёлий ўйлаб топилмаган насрдаги ҳужжат – асарнинг бош қаҳрамони.

Учинчи бобнинг «А.И. Солженициннинг асарида Архипелаг образи» номли биринчи фаслида мазкур китобнинг марказий қаҳрамон – Архипелаг образининг таҳлили берилган. Асар композицияси шундай қурилганки, у ерда битта сюжет йўқ, ҳикоянинг серкирралилиги кўплаб лейтмотивлар ва образларни ишлаб чиқишга имкон берган.

